



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 67 (13.664)

Баҳоси эркин нарҳда



Амир Темур – халқимиз тарихидаги бутун жаҳон тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган буюк шахсдир.



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

АДОЛАТ ВА ҚУДРАТ СОҲИБИГА ЭҲТИРОМ

Мустақиллик йилларида маънавий тикланиш ва янгиланиш жараёнида Амир Темур бобомизнинг муборақ номи, бой мероси, хотираси ва тарихий сиймоси ҳам тикланди. 1996 йил мамлакатимизда Амир Темур йили деб эълон қилинди. Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди, Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида муҳташам ҳайкаллари қад ростлади. Улуғ бобомиз шарафига орден таъсис этилди. 2011 йили Биринчи Президентимизнинг таклифи ва сўзбошиси билан "Темур тузуқлари" асари мукамал ҳолда, юксак сифат билан янгидан чоп этилди.

Амир Темур таваллуд тоған кунни халқимиз улуғ аждодимиз хотирасига эҳтиром сифатида ҳар йили кенг байрам қилиб келади.

Анъанага кўра, 9 апрель куни пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбонида тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда парламент аъзолари, вазирлик ва идоралар вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, олимлар, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик, юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди раиси Н.Хабибуллоев, Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Е.Утембаев, Темурийлар тарихи давлат музейи директори, тарих фанлари номзоди Х.Файзиев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Н.Жўраев ва бошқалар Амир Темур сиймоси адолат, тинчлик, фаровонлик, тараққиёт тимсоли бўлиб, қудратли салтанат барпо этган, давлатчилик борасида бой амалий ва назарий мерос қолдирган, илму фан, бунёдкорлик, маданият, маънавият ривожига кенг йўл очган буюк аждодимизнинг ҳаёт йўли бугунги авлодлар учун ҳам ибрат мактаби эканини таъкидлади.

Амир Темур ва темурийларнинг давлатчилик, илм-фан, маданият, бунёдкорлик каби соҳалардаги улкан ва бой меросини ўрганишга қизиқиш жаҳон миқёсида

тобора ортиб бормоқда. Юртимизда ва хорижда темурийларнинг дунё цивилизацияси равнақига қўшган улкан ҳиссасига оид кўплаб асарлар яратилмоқда, илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Булар Соҳибқирон шахсияти ва уни етиштирган замин, тарихий шарт-шароитга доир янги-янги қирраларни кашф этишда муҳим аҳамият касб этаётди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, сиёсий, иқтисодий, илм-фан, ижтимоий-маданий соҳаларни ривожлантириш, тинчлик-осойишталикни, миллатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, бунёдкорлик ва халқ манфаатларига хизмат қилиш борасидаги ишлар улуғ аждодимиз Амир Темур фаолиятига мазмунан ҳамоҳанглиги билан аҳамиятлидир.

Зеро, буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг бунёдкорлик соҳасидаги тарихий хизматларини, муҳташам иморату иншоотлар қурдиргани, шаҳарларни тиклагани, салтанат пойтахти Самарқандни ҳар томонлама равнақ топтиргани, саройлар, масжидлар, мадрасалар, макбаралар қурдиргани, шаҳар ташқарисида бог-роғлар ва бўстонлар барпо эттиргани, фан, маданият ва санъат аҳлини ўз ҳомийлигига олиб, улarga иззат-икром кўрсатгани, халқларнинг ўзаро савдо-иқтисодий, маданий алоқаларини йўлга қўйишга шароит яратгани неча асрлардан буён авлодларга буюк маърифатпарварлик намунаси бўлиб келаётган бўлса, Президентимизнинг бу борадаги эзгу сазой-ҳаракатлари нафақат халқимиз, балки бутун дунёда юксак эътирофга сазовор бўлмоқда.

Соҳибқирон бобомиз ўз тузуқларида "Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир" деган бўлса, бугун мамлакатимизда тадбиркорлик, ишбилармонликни жадал ривожлантириш, тадбиркорларга кенг шароит ва имтиёзлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Темур

бобомиз "Куч – адолатдадир!" дея хитоб қилган бўлса, бугун ҳам адолат, халқпарварлик, бағрикенглик давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг устувор тамойилларидандир.

– Амир Темур шахси бетакрор, у инсоннинг ҳаёти ва фаолияти миллий давлатчилигимиз тарихида олтин даврни ташкил этади, – дейди тарих фанлари доктори Шохиста Ўлжаева. – Мустақиллик йилларига-ча улкан салтанат тузган қудратли бобомизнинг фақат ҳарбий юришлари бир томонлама ўрганилиб келинган бўлса, миллий истиқлолга эришгангина ул зотнинг тинчликка, тараққиётга қўшган ҳиссаси кенг тадқиқ этила бошланди. Европа ва Осиёни бирлаштирган ҳукмдор сифатида салтанати остидаги давлатларнинг ўзаро савдо-иқтисодий, маданий алоқаларини ривожлантиришга ҳисса қўшган, бунёдкорлик, илм-фанга ҳомийлик қилган. Унинг даврида барча соҳалар жадал ривожланган. Бугун улуғ бобомизнинг ишлари авлодлар томонидан муносиб давом эттириляптир.

– Буюк саркарда бобокалонимизнинг ҳаёти, ҳарбий-сиёсий фаолияти, жанговар санъати, ватанпарварлик, халқпарварлик, мардлик ва жасорат фазилатлари биз авлодларда доим ҳавас ва ҳайрат уйғотади, – дейди Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот-технологиялари университетининг махсус факультети 4-босқич талабаси Шухрат Каримов. – Биз Соҳибқирон Амир Темур бобомизга муносиб авлод бўлишга, мард, юртни чин дилдан суюдиган инсон бўлишга интиламиз.

"Темурбеклар мактаби" ўқувчилари томонидан ҳарбий машқлар намойиш этилди. Амир Темур ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

Шу куни Темурийлар тарихи давлат музейида санъаткорлар ва болалар ансамбллари иштирокида миллий куй-қўшиқлар ижро этилди. Темур ва темурийлар даврига оид "Тангаларда акс этган тарих" деб номланган кўргазма намойиш қилинди.

Бундай тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда.

Байрам АЙТМУРОВОВ

XXI аср савдоси
Барча манбалардан олинган суғли хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Андижон ҳарбий гарнизонидаги ҳарбий қисмлардан бирида буюк Амир Темур таваллудининг 682 йиллиги ҳамда Соҳибқирон бюстининг очилишига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Тадбир қатнашчилари ҳарбий қисмга ўрнатилган буюк Соҳибқирон бюсти пойга гулчамбарлар қўйди. Ҳарбий парад барчада катта таассурот қолдирди.

• Гулистонда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган тиббий ускуна, жиҳоз, буюм ва мебелларнинг каталоглари кўргазмаси ўтказилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вазирлик ҳузурдаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги, "Ўзбекистон ягона тиббиёт каталоги" ташкилоти томонидан ташкил этилган кўргазмада иштирокчиларнинг ҳар бирига мамлакатимизда ишлаб чиқарилган тиббий ускуна, жиҳоз, буюм ва мебеллар каталоги жамланмалари тарқатилди.

• Бухорода "Энг намунали туман (шаҳар) Сардорлар кенгаши" танловининг мамлакат босқичи ўтказилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва "Камалак" болалар ташкилотининг туман ва шаҳар кенгашларидаги Сардорлар кенгашлари ўртасида ташкил этилган танловда 14 жамоа "Бу бизнинг фаолиятимиз..." "Бизнинг имкониятларимиз", "Интеллектуал ринг" шартлари бўйича голиблик учун баҳслашди.

• Гулистонда "Исломо ақидапарастликни қоралайди", "Диний экстремизм ва террорчилик – жамият барқарорлигига таҳдид" мавзуларида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда иштирокчиларга ўқув қўлланмалари тарқатилди, уларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоб қайтарилди.

• Наманганда вилоят ҳокимлиги, вилоят божхона бошқармаси, тижорат банклари ва тадбиркорлар иштирокида мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, янги технологияларни қўллаш орқали харажатларни камайтириш ва ҳосилдорликни ошириш, гидропоника усулида иссиқхоналар ташкил этиш масалаларига бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

• Францияда темир йўл тизимида қасаба уюшмалари томонидан эълон қилинган иш ташлаш жараёни тўрт кундан буён давом этмоқда. Ҳозирда бу ерда тезкор поездларнинг 20 фоизи, маҳаллий йўналишларда қатнайдиган поездларнинг 30 фоизи аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Қасаба уюшмаларининг маълум қилишича, иш ташлаш июнь ойи охиригача давом этиши мумкин. Темирйўлчилар иш ташлаши мамлакат иқтисодиётига ҳар куни 20 миллион еуродан зарар келтирмоқда.

• Машхур Forbes нашрининг маълумотларига кўра, мамлакатда фонд бозорининг қулаши натижасида Россиядаги энг бадавлат 50 нафар кишининг бир кунда кўрган зарари 12 миллиард еврога яқин суммани ташкил этган.

• Япониянинг Симонэ музофотида 5,8 балли кучли зилзила рўй бериши муносабати билан ўнлаб кишилар жароҳатланди, юздан ортиқ уйлар вайрон бўлди. Мамлакат маъмуриятининг таъкидлашича, ер қимирлаши натижасида Симонэ атом-электр станциясига зарар етмаганд

Ижтимоий сўров

ХАЛҚИМИЗНИНГ МУТЛАҚ КЎПЧИЛИГИ ПРЕЗИДЕНТ МУРОЖААТНОМАСИДАН ЯХШИ ХАБАРДОР

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан "Ўзбекистон фуқаролари Президентимизнинг Олий Мажлиси Мурожаатномаси ҳақида" мавзусида ижтимоий сўров ўтказди. Сўровда мамлакатимиз аҳолиси давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлиси Мурожаатномаси моҳияти ва асосий мазмунидан қай даражада хабардор экани аниқланди.

Сўров мамлакатимизнинг барча вилоят ва ҳудудларини қамраб олди, унда 18 ва ундан катта ёшдаги, шаҳар ва қишлоқларда истиқомат қилаётган, турли миллат ва ижтимоий гуруҳларга мансуб, ишлаб чиқаришнинг турли соҳа ва жабҳаларида фаолият юритаётган юртдошларимиз иштирок этди.

Ўтказилган сўров натижаларига кўра, мамлакатимиз аҳолисининг мутлақ кўпчилиги Президентимизнинг Олий Мажлиси Мурожаатномаси давлат ва жамият муносабатларининг либераллашаётгани, реал демократик ўзгаришлар амалга оширилаётганидан далолат берадиган, мамлакатимиз сиёсий тизими учун тарихий аҳамиятга эга янгилик бўлди, деган фикрда яқдил. Сўров фуқароларининг мутлақ кўпчилиги Мурожаатноманинг асосий мазмунидан яхши хабардор экани ҳамда Президентимизнинг давлат ва жамият қурилиши тизими самардорлигини ошириш бўйича стратегиясини

тўлиқ қўллаб-қувватлашини кўрсатди.

Фуқароларнинг 84,2 фоизи давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлиси Мурожаатномасида баён қилинган таклифларни қўллаб-қувватлайди. Сўровда иштирок этганларнинг фикрича, ушбу таклифлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамиятда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлашга қаратилган бўлиб, мамлакатимизни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ҳақидаги тасавурлари ва орзу-умидларига мос.

Сўров натижаларига кўра, юртдошларимизнинг аксарияти, яъни 89,8 фоизи давлатимиз раҳбари томонидан Олий Мажлиси Мурожаатномада белгилаб берилган давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг мақсад ва вазифалари, истиқболли йўналишларини қўллаб-қувватлайди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОНЛИК КУРСАНТЛАР МАТЕМАТИКА БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДА СОВРИНДОРИ

Аввал хабар қилинганидек, 2-6 апрель кунлари Олмаотада МДХ мамлакатлари мудофаа вазирликлари ҳарбий олий ўқув юртлари курсантлари ўртасида халқаро олимпиада бўлиб ўтди. Ўзбекистонлик курсантлар унда учинчи ўринни эгаллади, деб хабар қилади Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати.

Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти ўқитувчиси Раъно Юсупова бошчилигидаги курсантлар Шаҳзодбек Рустамов, Бобур Абдурашидов, Жаббор Мухаммадиев ва Сарвар Норалиев Қозоғистонда бўлиб ўтган олимпиадада Арманистон, Россия, Қозоғистон, Беларусь, Қирғизистон ва Тожикистон жамоалари вакиллари билан баҳс-лашиб, мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Россия Ҳарбий университети курсантлари биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўринга қозоғистонлик курсантлар, учинчи

ўринга юртдошларимиз сазовор бўлди. Олимпиаданинг голиб ва совриндорлари медаль, кубок ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Ҳарбий билим юртлари курсантлари ўртасидаги халқаро олимпиаданинг навбатдаги босқичи (информатика бўйича) 16-20 апрель кунлари Қозоғистонда бўлиб ўтади. Унда юртимиз шарафини Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети курсантлари ҳимоя қилади.

Аблай КАМОЛОВ

ФУҚАРОЛИК ПАСПОРТИ ТОПШИРИЛДИ

Лутфихон Маллабоева 25 йил муқаддам Қирғизистон Республикаси Ўш вилоятдан Ўзбекистонга келган. Шу заминда олий маълумотли бўлиб, шифокор сифатида узок йиллар хизмат қилди. Оила қурди, фарзанду набиралар кўрди. Бироқ Ўзбекистон фуқароси паспортига эга эмаслиги унинг армони эди. Бугун Лутфихон опанинг орзулари ушалди, унга Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспорти берилди.



Шу куни Лутфихон опа сингари яна 8 нафар юртдошимиз фуқаролик паспортига эга бўлди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда турли вазирлик ва идоралар вакиллари, фуқаролар ва журналистлар иштирок этди.

Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов мамлакатимизда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, шахсий манфаатлари қонун билан қафолатлаб қўйилгани, ҳар бир фуқарога бериладиган паспорт Ўзбекистон Республикаси мулки бўлиб, унинг эгаси давлат муҳофазасида эканини таъкидлади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 6 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида"ги Фармониغا асосан пойтахтимизда истиқомат қилиб, юртимиз тараққиётига ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ юртдошларимиз фуқаролик паспортига эга бўлди.

Тадбирда фуқаролик паспортини олган юртдошларимиз мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган алоҳида эътибор халқ фаровонлигини юксалтириш, фуқароларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқаришга хизмат қилаётганини кайд этди.

Ойлам, фарзандларим ёнимда, тинч дийрда яшайман. Бир қарашда мендан бахтли аёл йўқ, - дейди Миробод туманидаги 1-оилавий поликлиника умумий амалиёт шифокори Лутфихон Маллабоева. - Шу заминда яшаб, уни жондан азиз билсам-да, фуқаролик паспортига эга бўлмаганим мени қийнар эди. Қариндошларим қўшни Қирғизистонда яшайди. Уларни йиллаб кўролмасдим. Хорижга чиқиш билан боғлиқ кўплаб муаммо ва қийинчиликлар бўлар эди. Ҳатто, ота-онамни сўнгги манзилга кузатаётганда ҳам вақтида етиб бораолмаганим армон бўлиб қолди. Яратганга шукр, бугун фуқаролик паспортини кўлимга олдим, сайлаш, сайланиш ҳуқуқига эга бўлдим. Бу ҳужжат орзуларим рўёби бўлиши билан бирга, катта масъулият ҳам юклайди. Юртимизда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этиб, мамлакатимиз тараққиётига хизмат қиламан.

(ЎЗА)

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Хузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Тараққиёт стратегияси" маркази билан ҳамкорликда "Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш" мавзусида анжуман ўтказилди.

ОИЛАЛАР МУСТАҲКАМЛИГИ – ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

"Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази директори Д.Тошмухаммедова, "Тараққиёт стратегияси" маркази ижрочи директори А.Бурҳонов ва бошқалар юртимизда оила институтини мустаҳкамлаш, оиланинг жамият ва давлат ҳаётида тугган ўрнини янада юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ушбу анжуман давлатимиз раҳбарининг жорий йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 26 мартдаги "Оила институтини мустаҳкамлаш соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича махсус ўқув курслари ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ташкил этилди.

Тадбир давомида мамлакатимизда оилаларнинг ташкил топиши, халқимизнинг муқаддас азалий қадриятлари, ананалари, уларни асраш йўлидаги сайёҳаракатларга оид маълумотлар берилди.

Статистик маълумотларга кўра, 2010 йилда мамлакатимизда 17,8 минг никоҳ бекор қилинган бўлса, 2017 йилда бу рақам 31,9 мингга ташкил этган. Яъни, шу муддат мобайнида оилалар бузилиши 1,7 мартага ортган. Никоҳи бекор бўлганларнинг деярли учдан бири қисми 16-20 ёш ораллиқда турмуш қурган. Энг ачинарлиси, 55-60 фоиз аёллар фарзандлари билан ёлғиз қолмоқда.

Бугунги даврда мутахассислар оилалар емирилишига турли сабабларни кўрсатмоқда. Жумладан, эрта турмуш қурган ёшларнинг деярли барчасидаги узок

муддатли руҳий сиқилиш, иқтисодий етишмовчиликдан келиб чиққан низолар, фарзандсизлик дарди, хиёнат каби иллатлар оилалар мустаҳкамлигига зиён келтирмоқда.

Шу боис юртимизда кейинги йилларда оила, ота-она ва фарзанд муносабатларини тартибга солуви мустаҳкам қонуний механизм яратилди ва бу жараён бугунги тезкор давр талаблари билан уйғун равишда такомиллаштириб боришмоқда.

Оила, никоҳ тушунчалари тобора омонат бўлиб бораётган ҳозирги даврда аҳоли маънавиятини юксалтириш, ёшлар онгини турли ёт ғоялардан тозалаш, жамиятнинг ахлоқий негизларини химоя қилуви қонун ҳужжатларини такомиллаштириш орқалигина қўлланган натижага эришиш мумкин.

Барно МЕЛИҚУЛОВА

МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ ТОПМОҚДА

Фуқаро Н.Турсуновадан "Тошиссиққуввати" давлат унитар корхонаси у яшаб турган уйнинг иссиқлик қувватидан катта миқдорда қарзи борлигини ва уни тўлаб қўйиши лозимлигини талаб этади. Аммо бу қарзлар уйнинг олдинги эгасидан қолганлиги учун фуқаро бу қарзни тўлашга мажбур эмаслигини айтади.

Н.Турсунова уч нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, ўзи 2-гуруҳ ногирони эканлиги, оилада фақат турмуш ўртоғи ишлашни айтиб, бу қарзлар уйнинг аввалги эгасидан қолганлиги, шундай бўлсада "Тошиссиққуввати" давлат унитар корхонаси ходимлари улардан қарзни асоссиз талаб этаётганини айтиб, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Фарход Абдуллаевга ёрдам сўраб мурожаат қилган. Мурожаат асосида Фарход Абдуллаев "Тошиссиққувват" ДУКга депутат мурожаатини юборган. Мурожаат кўриб чиқилиши натижасида Н.Турсунованинг фойдасига 850 минг сўм чегирма қилинган.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сергели туман Кенгаши маҳаллий Кенгаш депутатлари билан биргаликда ҳар ҳафта фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ва билимини ошириш мақсадида учрашувлар ташкил этилмоқда. Бундай учрашувларда юқоридагидек аҳолини қийнаётган муаммолар ўрганилиб, мурожаатлар кўриб чиқилмоқда.

Бу борада кўплаб масалалар ўз ечимини топаётгани қувонарли ҳол, албатта. Аммо ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам талайгина эканлигини тан олмасдан иложимиз йўқ. Айниқса, светофор ўрнатиш, ички кўчаларни асфальтлаш, тунги чироқлар ўрнатиш каби муаммолар йиллар давомида йиғилиб қолганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Фарход Абдуллаев ўзи сайланган округда ҳар ҳафтанинг шанба кунини қабул куни деб эълон қилган. Шунингдек, у ҳар ойнинг илк жумасида аҳоли билан учрашувлар ўтказиб туради.

Шундай учрашувлар чоғида ўртага ташланган муаммолар ўз ечимини топиб бормоқда. Мисол учун Фарход Абдуллаевнинг депутатлик мурожаати натижасида Яшнобод тумани "Хосиятли", "Ватандош",

"Тонг", "Ал Бухорий" ва "Моҳинур" маҳаллаларида тунги ёритиш чироқларини энергия тежайдиган замонавий чироқларга алмаштирилаётганидан аҳоли мамнун.

Сергели тумани 24-Лутфихон сайлов округи депутати Икром Бабахонов тумонидан ҳам ҳар ҳафта маҳаллий аҳоли билан учрашувлар уюштирилмоқда. Қабул қилнари аҳоли ўзини қийнаётган муаммоларга ечим топиш мақсадида депутат хузурига ошмақда.

Ана шундай амалий ҳамкорлик натижасида Сергели тумани аҳолиси ўртасида юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида тиббий кўрик ташкил-лаштирилгани ҳам айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўларди. Аниқланган беморларни ўз вақтида ҳисобга олиш ва соғломлаштириш ишларини тўлиқ амалга ошириш йўлида "Дарё бўйи" маҳалласининг аҳолиси тиббий кўриқдан ўтказилди.

Тиббий кўриқнинг ўтказилиши ҳақидаги депутат Фарход Абдуллаев ҳамда Халқ депутатлари Сергели туман кенгаши депутати Мирлазиз Саидов ва Ўзбекистон "Адолат" СДП Сергели туман Кенгашининг сўровга Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан тезкор амалий жавоб берилди.

Депутат ва шифокорларнинг ҳамкорлиги натижасида Сергели туман МКТП "Баҳор" филиалига ҳаратдаги "ПроСкан-2000" рақамли флюорография машинасида аҳолини флюороқўриқдан ўтказишни таъминланди. Айтиш жоизки, мазкур тиббий кўриқда маҳалланинг юздан ортиқ аҳолиси ўз саломатлигини текширувдан ўтказишга муваффақ бўлди.

Ташкил этилаётган бундай амалий ҳамкорлик натижасида халқнинг оғири енгил бўлиб, муаммолари ечим топаётгани қувонарлидир.

Айгул ПЕРНЕБЕКОВА, "Адолат" СДП Сергели туман Кенгаши раиси

Сўнгги йилларда республикамизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва кенг фаолиятга татбиқ қилиш мақсадида ҳукуратимиз томонидан бир қанча ишлар амалга оширилди.

Бу йўналишда фаолият юритувчи вазирлик ва АКТни ривожлантириш борасида меъёрий-ҳуқуқий асос мустаҳкамланди. Барча вазирлик ва идораларнинг ушбу йўналишни ривожлантириш, фаолиятга замонавий ахборот технологияларини кенг қўллаш орқали ҳисмоний ва юридик шахсларга интерактив хизматларни кўрсатиш устувор вазифа этиб белгиланган.

Бинобарин, ахборот-коммуникация технологияларининг тараққиёти этиши мамлакатнинг рақобатдошлик даражасига таъсир кўрсатади, катта ҳаҷида ахборот тўплаш ва уни умумлаштириш шартини яратди, бошқаришни стратегия даражасида ташкил этиш учун кенг имкониятлар очиб беришда муҳим омил ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда ҳақон микёсида яратилаётган янги ички маҳсулотнинг таҳминан 5,5 фоизи ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига тўғри келаётгани, нуфузли халқаро экспертларнинг фикрига кўра, 2020 йилда бу кўрсаткич 9 фоиздан ошиши кутилаётгани бунга яққол мисолдир.

Бундан кўриниб турибдики, бугун дунёнинг ривожланган давлатлари иқтисодиётида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва дастурий маҳсулотлар ўрни тобора ортиб, энг илғор даромаддон соҳалардан бирига айланиб бораётди. Шу боис мамлакатимизда иқтисодиётимизнинг мазкур тармоғини жадал сурьатлар билан ривожлантириш, олий ўқув юртлирида айнан ушбу йўналишда юқори малакали кадрлар тайёрлаш, қисқача айтганда, соҳани янада тараққиёт этириш учун барча зарур ресурслар ва имкониятлардан фойдаланишнинг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт

ҳужжатлари Марказий давлат архиви фаолиятга ҳам замонавий ахборот коммуникация технологияларини жалб этишда бир қанча лойиҳалар фаолиятга татбиқ қилинди. Бугунги кунда архив республикада кўзга кўринган ва АКТни жорий этиш ҳамда ривожлантириш борасида бошқа архив муассасаларига ўрнал бўла олади.

Архив фаолиятида инновацион технологияларни жорий этиш орқали архивни янада ривожлантиришда куйидаги жи-

туриш керак. Давлат архивларидаги мутахассислар идоравий архивларда текширув ўтказишга борганда уларнинг асосий вазифаларидан бири ташкилотнинг Агентликнинг маълумотлар базасига маълумот киритилган ёки киритилмаганини назорат қилиш бўлиши лозим. Давлат архивларида сақланаётган қозғ типидидаги архив ҳужжатларининг қўлгили ва уларнинг ўзини рақамлаштириш кўп меҳнат ва вақт талаб этилишини, шунингдек, тезкорлик билан юқоридаги дастур-

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ВА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

ҳатларга эътибор қаратиш муҳимлигини таъкидлаш жоиз.

Электрон ҳукуматга ўтишнинг энг биринчи босқичи ҳужжатларнинг электрон нусхаларини яратиб боришни кескин ортиради. Ҳозирги кунда идоравий архивларда йиғилаётган ҳужжатлар ханузгача давлат архивларига қозғ типидидаги ҳужжатларни сақловга топширадилар. Буларга чек қўйиш, имкон даражасида қозғдан чекланмиш мақсадида "Узархив" агентлиги базасида махсус дастур ташкил этиш лозим. Мазкур дастурга идоравий архивлар томонидан давлат архивларига топшириши лозим бўлган ҳужжатларини электрон рақамли имзо билан жойлаштирилади. Бунга эса Агентликни маълумот сақлаш базалари (сервер) билан тўлиқ таъминлаш керак. Керакли серверларни ягона маълумот Маркази ташкил этиб, ушбу марказга маълумотлар келиб тушишини назорат қили-

ни ишлаб чиқиб фаолиятга жорий этилмас ҳужжатларни рақамлаштириш ишлари мантиқий яқини етмасдан қолиш эҳтимоли юқори.

Агентлик тизимида ташкил этилган маълумотлар базаси таркибида алоҳида система менежерлар фаолиятини жорий этиш, Марказда Ўзбекистон архивлари фаолиятини ва ишда қўлланаётган дастурий, техник воситаларни ёритувчи мультимедия маҳсулотларини кўпайтириб, виртуал кўргазмалар ташкил этиш.

Ривожланган техника асрида ва инсониятда виртуал оламнинг ўрни юқорилаётгани, интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони ортаётганини инобатга олиб, архив муассасалар фаолияти билан жамоатчиликни кенг таништириш, қизиқарли маълумотлар берувчи архив ҳужжатлари билан интернетда танишиш имкониятини яратиш. Архивларнинг рас-

сий веб-сайтларида замонавий дастурлар орқали қизиқарли онлайн кўргазмалар ташкил этиш.

Эндиликда қуриладиган архив биноларини бошқа лойиҳа билан қуриш, имкон борича ҳужжатларга тўғридан-тўғри қўйиш тушишининг олдини олиш ва ҳаво ҳароратини нисбатан тиббий айланмишни таъминлашга келтириш, шунингдек, архив муассасаларига жойидан кўзгалувчи ва юрвчи стеллажларни жорий этиш ҳамда лойиҳалаштириш давомида уни кўзда тутиш лозим.

Архив муассасалари штатларини қайта қўриб чиқиш ва тасдиқлаш, унда асосан ахборот-коммуникацион технологиялари билан фойдаланиш лавозимларига эътибор қаратиш, агентлик тизимида ташкил этилувчи маълумотлар Марказида дастурий таъминотлар ишлаб чиқиш гуруҳларини ташкил этиш, дастурлар ишлаб чиқишда бевосита ушбу гуруҳлар ишидан фойдаланиш, лозим ҳолларда ушбу гуруҳлар фаолиятини аутсорсинг хизматларга жалб этишни кўзда тутиш мақсадга мувофиқдир.

Агентлик тизимидаги архив муассасалари ходимларининг архивлари ривожланган хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиши ривожлантириш шу билан бирга архивда фаолият юритувчи ёшлар, хусусан архившунос мутахассислиги бўлган ходимларни ишга бўлган манфаатдорлигини ошириш мақсадида ишлаш ва яшаш учун керакли шароитлар яратишда Агентлик ролини кучайтириш керак.

Хусусан, ҳужжатларнинг ҳисобини олиб боришда ягона тизимнинг ташкил этилиши доимий сақловга қабул қилинадиган ҳужжатларнинг барчасининг ушбу дастурга киритилиши кўзда тутилади. Бир сўз билан ифода этадиган бўлсак ушбу тизим тўлиқ ҳиса тушса давлат каталогини юритиш осонлашади.

Тургун МҮМИНОВ, Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари Марказий давлат архиви Ҳужжатлардан фойдаланиш ва илмий ахборот аппарати бўлими мудири

ХАЛҚИМИЗНИНГ МУТЛАҚ КЎПЧИЛИГИ ПРЕЗИДЕНТ МУРОЖААТНОМАСИДАН ЯХШИ ХАБАРДОР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, сўров иштирокчилари Президентимиз томонидан давлат ва жамият бошқарувида парламентнинг ўрнини кучайтириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш, самарали ижтимоий сиёсат юритиш борасида белгилаб берилган вазифаларни тўлиқ қўллаб-қувватлаш ва маъқуллашни билдирдилар.

Фуқароларимизнинг 65,5 фоизи таълим тизимини янада такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасалари, мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув юртлири моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида белгиланган вазифалар Мурожаатноманинг муҳим йўналишларидан бири, деб ҳисоблайди.

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, сўровда иштирок этганларнинг асосий қисми мамлакат хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлидаги сайёҳаракатларнинг пировард мақсади минтақамизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашдан иборат, деб ҳисоблайди. Шу муносабат билан улар давлатимиз раҳбарининг Марказий Осиёда савдо-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳамкорликни янада кенгайтириш, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш бўйича олиб бораётган сиёсатини тўлиқ қўллаб-қувватлашни таъкидладилар.

Сўров натижаларига кўра, давлатчилигимиз тарихида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга биринчи Мурожаатномаси жамиятимиз учун том маънода оламшумул воқеага айланди. Юртдошларимиз Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича келгуси режалар, мамлакатнинг бугунги аҳоли тўғрисида аниқ ва батафсил ахборотни бевосита давлат раҳбаридан олиш имкониятига эга бўлди. Халқимизнинг мутлақ кўпчилиги, яъни 91,7 фоизи Президент Мурожаатномаси билан фахрланди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатни модернизация қилишга йўналтирилган истиқболли режаларини, ҳаётимизнинг барча соҳаларини либераллаштириш, халқаро миқёсда Ўзбекистон нуфузини янада ошириш, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга қаратилган ташаббусларини тўлиқ қўллаб-қувватлашни билдиргани шундан далолат беради.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида тайёрланди

ЎЗА

МАЖБУРИЙ ТИББИЙ СУГУРТА: ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ТАЖРИБАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида шу мавзуда амалий семинар бўлиб ўтди.

Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ҳамда Корея Миллий ассамблеяси тадқиқот маркази ўртасида имзоланган ўзаро ҳамкорлик меморандуми ижроси доирасида ташкил этилган семинарда Корея Республикаси Миллий ассамблеяси тадқиқот маркази вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва мамлакатимизнинг етакчи сугурта компаниялари мутахассислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Семинардан қўзланган асосий мақсад Корея Республикасининг миллий тиббий сугурта тизимини чуқур ўрганган ҳолда, бу борадаги ижобий тажрибалардан юртимизда ҳам фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти директори Р.Ҳакимов 2017 йил ноябрь ойида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига давлат ташифи икки томонлама алоқалар ривожини янги босқичга кўтарганини таъкидлади. Мазкур семинар ҳам Ўзбекистон – Жанубий Корея стратегик ҳамкорлик муносабатларини янада чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Жанубий Корея миллий тиббий сугурта тизими ва тиббиётнинг ривожланиши бўйича дунё микёсида 4-ўринда туради. Ушбу тизим ҳозирги кунда жаҳоннинг кўплаб давлатлари ва халқаро ташкилотлар томонидан тадқиқ этилмоқда. Мамлакат тиббий сугурта тизими халқаро таъминотларга жавоб берган ҳолда мамлакат нарх сиёсати монанд тарзда такомиллашиб бориши билан тавсифланади. Шу сабабдан у халқаро талабларга тўлиқ жавоб беради ва аҳолининг барча қатламлари манфаатларини ҳимоя қилади.

Корея Республикасининг тиббий сугурта тизимини бевосита ўрганиш ва ютуқларини мамлакатимиз миллий қонунчилигига татбиқ этиш соғлиқни сақлаш тизимининг такомиллашуви ва аҳоли саломатлигини самарали муҳофаза қилиш тизимини яратишга хизмат қилади.

Семинарда хорижий мутахассислар Корея Республикасининг мажбурий тиббий сугурта тизими амалиёти ва қонунчилигининг ўзига ҳос хусусиятлари тўғрисида тақдимот ўтказди.

Тадбир якунида билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида Ўзбекистонда мажбурий тиббий сугурта тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Шунингдек, келгусида Корея Республикаси Миллий ассамблеяси тадқиқот маркази билан қатор илмий тадқиқотлар ва лойиҳалар ўтказишга келишиб олинди.

Г.САТТОРОВА

Назм гулшани

Ўткир РАҲМАТ

**АХИР БУ ОЛАМДА
КУЙЛАЙДИ БАҲОР**

Пўнак кийинган ковакларда ҳам,
Уйғониб елинар баҳорий ислар.
Гўёки тумтайган тўнкада алам,
Боқмаса на шлож кўкламги ҳислар.

Қайроқлар қадалган йўлаклар мунглиг,
Елкаси ортида гул очган дийдор.
Бир ёнда ўтган кун қадами қутлуғ,
Бир ёнда дарахтлар улғайган пойдор.

Айланиб юрибди бетиним еллар,
Қир-адир чорлаган ям-яшил тилсим.
Бунча ҳам кўп экан борғувчи йўллар,
Кимнидир изларми...
Яна ким билсин...

Сенда ҳам соғинчми?
Титрама фақат,
Кипригинг остида кун санар пинҳон.
Парвозга шайланган қушдай бетоқат,
Ногаҳон тарк этиб кетмасми имкон.

Дарахтлар бағрида не бор — гуллаган,
Кўёш ҳам нурини сочади тўймай.
Чугурчүк чарх уриб кўкка йўллаган
Қушиқин бўлурми айтгинчи суймай.

Ахир бу оламда куйлайди баҳор,
Яшнаган умидлар ҳаётга шайдо.
Мени кут,
Ўзга ўй эзмасин зинҳор,
Фақат сен дунёда бор бўл,
Илтижо...

Соғинчлар йўлдадир...
Ўртада баҳор!

Умидларин ёйганича жим,
Сўриларда олган ястаниб.
Гўё шунда топгандай кўним,
Гулга кирган тўлиб, қувониб.

Тугилади яна гўралар,
Чанг негадир қолган босилиб.
Янроқ аро недир оралар,
Елтилади ҳузурлар қилиб.

Ўтавермас кунлар нотекис,
Пайдо бўлар гоҳи хиралар.
Ишқомларда олтинранг тўкис
Ўзум узар бир кун жўралар.

Булоқ етти қават ер қатидан сизиб чиққани учун ҳам тиниқ, хуштаъмдир. Яхши шеър ҳам юрак зимнидан куйилиб чиқади. Шунинг учун шеърхон дилига сурур беради. Мен дилтортар шеърларда шуни ҳис қиламан. Ҳар қандай китобни қўлингизга олганда номига диққат қиласиз. Ном китобга калитдир. Шунданми шоир Ўткир Раҳмат китобларига шоирона, нафис ном беради. Гўзал атама китобни янада тортимли қилади. "Ирмоқ", "Соғинч", "Ой ёғдуси", "Хаёл ифори", "Юракдаги қуш", "Хоксор майса", "Ўтли руҳ", "Дилчиноқ", "Оҳанглари ранги" каби. Сарлавҳанинг ўзиёқ зукко шеърхоннинг қалбида илиқлик уйғотади.



РУҲГА ОРОЙИШ ШЕЪРЛАР

Дилида чироқ ёнгандай, оҳанглари рангини кўриб, майсдан хоксорликни ўрганаётгандай, руҳи оловланади, бундан юракдаги шеърятга шайдо қуш ҳаволанади. Шеърнинг кучи, таровати ҳам кўнгилни ҳаволантиради. Руҳи баланд шеър қўлигинизга ирмоқнинг шивирини, димоғингизга райхоннинг ифори беради ва сизни гоҳ лолалардан алвон, гоҳ майсалардан мовий кенгликлар сари чорлайди. Шеърдаги ўттилик руҳингизга кўнади. Ижодкор илҳом оғушида дунё кенгликларига сиймай кўнгилда борини шеърга солар экан, ундаги самимийлик сатрлар бағрига сингиб кетади.

Бир мисрада моҳиятни англатишга интилган шеърларни кўп топасиз шоир китобларида. Масалан, "Наҳот исми доим Ватан мағзида", "Ватан -сен кўзимсан, борсанки - ёруғ" сингари тўқ мағзили сатрлар. "Ўзга юртга ошиқ эмас, Ватанинда қўшиқ бўл" мисралари муаллифнинг юрт мавзусидаги шеърларининг замиридадир.

Шоир қайси мавзуда шеър битмасин кўнглида борини битади. Фикрини зўриқтирмайди. Халқона раван сатрларда қалбга етиб борадиган қилиб ёзишга интилади.

*Навоийнинг руҳини
Топтаб омад топган бор,
Тилни сотиб, ўзга бир
Тил ортидан қолган бор,
Қоғонга айланиб,
Ўз тилини қолган бор.*

"Она тил" шеърдаги мисралардан қимларга, нималарга ишора қилинаётганини китобхон тез англаб олади ва шоирнинг содда қилиб "ўша"ларга таъриф бериб қўйганига қойил қолади. "Остонаси тиллодан", "Сенсиз макон", "Тилак", "Булоқ кўшиги", "Эй, кўнглима", "Ховли", "Қитилқайди", "Кимга сен маҳлиё" каби шеърлар ҳам халқ оҳанглари йўлида ёзилган ажайиб шеърлардир. Бу шеърлардаги ўзига хослик фикрни "қулқоқда қоладиган" қилиб айтилишида.

Шеърни раван ўқишли ёзиш ҳислати Ўткир Раҳмат лирикасининг ажралмас томонларидан бири. Бу табиат тасвирига бағишланган шеърларида жуда тиниқ кўринади.

*Булуғларни эзиб, тиллатиб,
Қаҳрлари тинди кўнжинг ҳам.
Она каби ерни йиллатиб,
Сўнг қулдириб сўз айтиб кўкдам.*

Шоирнинг табиат лирикасида бошқаларга ўхшамаган тасвир, табиат ҳодисаларидан янги-янги қиёслар топишга, ўхшатишлар излашга ҳаракат қилганини сезамиз. "Нурга тўлди ҳовучи гулниг, Юзларида яйраб кетди ранг" сатрларидек. Ёки куз таърифни жонли берилишни кўринг:

*Сув оқди ўрмалаб,
Жилқовлаб олган арик,
Ўзда ажин,
Бурмалар,
Янроқ юзи сап-сарик.*

Шоир лирикасидаги, айниқса, унинг "Хоксор майса" тўла-мидан жой олган бундай гўзал табиат тасвирлари шоир кўнглининг гўзалликка ошурталмигидан бўлса керак. Агарда дилда табиатга уйғунлик бўлмаса атрофимиздаги нафосатни инжа тасаввур қилиш қийин. У табиатнинг камалдек рангини жиллолани сўзларда чиқариб, "Чизиларга қалбиди эхтирослардан нур индиради. Ўткир Раҳмат шоир сифатида ранглари оҳорини сўзларга кўйириши, сўзларда ранг бериши, ранглари сўзлаштириши истаган шоирлардан.

Табиат ранглари уми рангларига қўйилган, туйғулари рангини ўзига хос тарзда ифодалашга интилиш Ўткир Раҳмат ижодидаги табиат лирикасининг бўртки жиҳатидир. Шу маънода шоирни табиат манзараларини сўзларда чиқарган ижодкор дейишимиз мумкин. Унинг шеърларидаги "Сочини сабо тараетган" бойчечакнинг соғинчда қиқирлаши дилингизни энттириб, бир оромбахш илқлик югуртириши, райхон, мажнунтол, ялғиз, полакзўғалдек, янроғу майсадаги майинликни ҳис қилишингиз шундан. Ўткир Раҳматнинг табиат лирикаси китобхон руҳига оройиш, кўнглига нур индиради.

Мухаббат ҳақида ёзмаган шоир борми? Шеър ўзи мухаббатдан тугиладику. Ўткир Раҳматнинг мухаббат лирика-

сида тоза туйғулари тараннум қилинади. Эътибор қилинг, тасодифан кўришган икки интиқ қалбнинг тасвири қандай таъсирли берилган:

*Нигоҳимиз
Тўқиди шеърлар,
Хаёлимиз қўқилди висол.
Ўртамада тўқилди сирлар,
Бошимизни силади шамол.
Ёки:
Жилмайшинг
мафункор жуда,
Қалбимда тонг отаётгандай.*

Мухаббат кўнгли айвонларини чечакка тўлдирди. Ёрга осмондек паҳон бўлишни истаган машуқ самосида юлдузлар қўшиқ айтади. Шоир лирик қаҳрамони туйғулари азия билдири, ардоқлайди. Шунинг учун ҳам: "Туйғумга ўт қўйма, о, ганим" - дея кўнгли мулкни ардоқлайди. Шоир шеърларидан бирида "Яшаш - мухаббатдир, Дедим - мухаббат..." дея ёзганида, бу юксак инсоний туйғуга муносабатини аниқ билдиргани. "Мухаббат", "Жоду кўз", "Ошиқ", "Севги", "Холат" ва яна бошқа шеърлари тўртликларда Ўткир Раҳмат соф инсоний севгининг тароватини тараннум қилади.

Шоирнинг шеърларини ўқишли қилган биринчи унсур, унинг тизмаларидаги бадий жозиба, оригинал топилган ташбеҳлардир. "Кўзларинг сийлади", "Ўрик шохларидан олтин осирға", "Қичқиради тонгинг кўзлари", "Қилич каби аёз силкинди", "Қуртаклар лабини буради", "Шамол қолиб чарчади чоғи", "Ўчоқлар олов ютиб, Қозон билан кўришар", "Ёқасининг тугмаларини, шоша-пиша ечди булут ҳам", "Уваланиб бормоқда осмон", "Тоғ-заминнинг елкаси каби, Ой -келчинчак секин қўйди босил", "Ёғаётди янроқлар, Ховучлар отар шамол" сингари мисллари истаганча топиш мумкин. Лойқа сув таърифи "Лойға ботиб йўлга тушган у". Бу каби табиат ҳодисаларини ўхшатиши, жонлантириб тасвирлашлар шоир шеърларининг тафтини оширган.

Ўткир Раҳмат ижодида шеърятнинг кичик жанри - фардлардан тортиб йирик дostonларгача борлиги шоирнинг турли шеърый жанрларда маҳорат билан қалам тебратга олишидан далолат. Фардлари, тўртликлари, "Елғизлик", "Дийдор", "Йигирма соғинч" каби шеърларида фахсафийликка мойиллик устувор. Шоир вафо, садоқат, меҳр-мухаббат, соғинч, наҳот, мусибат, ҳоксорлик, фидойилик - умуман инсоний туйғулари ҳақида дилда баландпарвоз гаплардан қочади, ҳис қилганини, дилида борини қозоғга тўкади. Бу эса шеърнинг самимийлигини, дилтортарлигини оширади. Таниқли ижодкорнинг шеърларидаги мавзу кенг қамровлиги, шоирнинг қузатувчанлиги, изланувчанлиги, ҳаётсеварлигидандир. Ўткир Раҳматнинг "Кўрқиз" драматик достонида собиқ шўролар давридаги иллатлар таъсирли тасвирланган. Айрим амалдорларнинг порахўрлиги, маийши буюқлиги, болаларнинг даладаги оғир меҳнатлари, пахта учун ҳамма нарса қурбон қилинган яхши очиб берилган. Лекин энг муҳими инсоннинг маънавий юксаклигини кўрсатиш. Кўрқиз - Маъсуда кўзига фоҳишали ўлган райком котиби Аҳмадуллонинг кўз қорачиғини қўйганда, дунёни маънан тубан Аҳмадуллонинг кўзи билан кўргунча, кўр бўлиб юриши афзал билгани Маъсуда ҳолати ниҳоятда таъсирли чиққан. Невараси "Вараха"да ишлаётиб, мошин чайнаб кетган аёл тилидан айтилган "Барчангиз қотил!" ҳайқирғи қаттол тўзумага айтилгандек. Бу асар шоирнинг йирик шеърый асарлар ўзишнинг ҳам ҳадисини олганидан нишон.

Дадасининг жўралари газалхонлик қилаётганда чой дамлаб юриб "шеърят - сеҳр эканини, сеҳр бўлгандайам, илоҳий эканини ҳис этардим", - дея ёзган бўлажақ шоирнинг илк шеъри 12 ёшида туман газетасида chop этилгандан буён, кўнгли бир кун ҳам шеърятдан айро тушмади. Бунга унинг китоблари гувоҳ. Шунинг учун бугун элга таниқли шоир Ўткир Раҳмат бўлди. Шоир кўнглини гўзаллик, руҳини илҳом тарк этмаслигини тилаб қоламиз.

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,
адабиётшунос олим, доцент

**БЕКТЕМИР АҲОЛИСИ
БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ**

Бектемир туманидаги 30-болалар муסיқа ва санъат мактабида Тошкент шаҳри ва Бектемир тумани жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишлар бўйича судлари раислари ва судьяларининг туман аҳолиси ва жамоатчилик фаоллари билан сайёр қабули бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳрида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш, судлар фаолиятининг очкилиги ва шафқатлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида ташкил этилган учрашув очик мулоқот шаклида ўтди.

Учрашувда жиноятчиликка қарши курашишда жамоатчиликнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланиб, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш учун, аввало, ҳар бир киши ўз ҳақ-ҳуқуқини билиши лозимлиги қайд этилди. Бу борада суд тизимининг ўрни ҳақида сўз борар экан, эндиликда ҳар бир маҳаллага "Менинг маҳаллам - менинг судьям" шiori остида маъсул судья ажратилиши ва аҳолини қийнаётган муаммоларни ўрганиб, тегишли ҳуқуқий маслаҳатлар бериб бориши таъкидланди.

Туман аҳолисини қийнаётган масалалар, саволлар, муурожаатларга жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишлар бўйича Тошкент шаҳар суди раислари батафсил жавоб қайтарди.

Аҳоли муурожаатларининг асосий қисмини уй-жой, ижтимоий ҳимоя, доимий рўйхатга қўйиш масалалари ташкил этди. Учрашув давомида ҳар бир савол жавобсиз қолдирилмади, ҳар қайси муурожаат ағасига мутахассислар томонидан тегишли ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

И.АХАТОВА

ЮКСАК ИБРАТ НАМУНАСИ

Амир Темур улкан ва қудратли салтанат барпо этиб, маънавий маданиятнинг юксалиши, гуллаб-яшнаши учун ўтмиш даврлар ажайиб анъаналарининг янги тарихий вазиятга қайта тикланиши учун шароит яратди. Амир Темур ва унинг ворислари ҳукмронлиги даврида Буюк Ипак йўли бўйича Ғарбдан Шарққа савдо қарвонлари қатновни тиклади.

Худди шу ерда Эрон, Хитой, Хиндистон, Араб мамлакатларининг маданий анъаналари билан маҳаллий, Марказий Осиё бадий маданияти ўзига хос хусусиятларининг ноёб уйғунлашуви жараёни рўй берди. Марказий Осиё фақат савдо ва қарвон йўлларининг кесилиш жойи бўлиб қолмай, балки маънавий маданиятнинг янги юзларини вужудга келтириб, янги услуб шаклланидиган маркази ҳам бўлиб қолди.

Амир Темур ижтимоий фаолиятининг ана шу буюк юксалиш хусусияти бадий маданият соҳасида айниқса яққол намоён бўлди. XIV-XV асрлардаги энг юксак аклий ва ижодий муваффақиятлар кўп жиҳатдан унинг фаолияти ва унинг ижтимоий соҳага муносабати таъминлари тўғрйли рўй берди. Унинг даврида фан, адабият, миниатюра, амалий, муסיқа ва томоша санъатлари барқ уриб ривожланди. Умумий маънавий юксалиш айрим истеъдодли шахсларгагина эмас, балки турли ижтимоий қатламларга ҳам хос эди. Маданий ҳаётнинг бундай демократлашуви ва унинг кенг қўламадаги маърифий асосларнинг умумий раванкини рағбатлантирувчи маданий сивасининг асосий таъминлари яққол кўзга ташланади. Унинг шахси умумий барқарорликнинг ўзига хос қафолати бўлди, сивасати эса диний ва дунёвий асосларнинг баб-баравар ўзаро муносабатда бўлишига имкон берди.

Марказий Осиёнинг маданияти тарихида Амир Темур ва Темурийлар ҳукмронлиги даври - XIV асрнинг иккинчи ярмидан XVI асрнинг бошларигача бўлган давр сўнги умумий тарихий ривожланишга жуда катта таъсир кўрсатган ёрқин, серзаманли, самарали давр ҳисобланади.

Бу даврда ўзбек тили адабий тил сифатида узил-кесил шаклланди ва Урта Осиёнинг сўнги ривожини белгилаб берди. Бу юксалиш биринчи навбатда Амир Темур номи ва фаолияти билан узвий боғлиқ бўлса, унинг ўғиллари, набири ва бошқа авлодлари у бошлаб берган ижтимоий-маданий ҳаётдаги йўналишларини давом эттиришди. Темурийлар салтанатининг анъаналарини сақлаб қолишга ҳаракат қилдилар. Бу даврда араб тили қисман фан тили бўлиб қолса-да, асосан илм ва бадий адабиёт, санъат тили сифатида туркий ва форсий тилларнинг мавқеи кучайиб, асосий ўринга чиқди. Давлат ишлари ҳам шу тилларда олиб борилди. Темур ва Темурийлар давлати деярли бир аср Осиё, айниқса, Марказий Осиё тарихида ниҳоятда кўп, серқирра, ранг-баранг маданий-маънавий бойликларни яратти, иқтидор эгалари учун имкониятлар яратди олганлиги, туркий халқлар маданияти тарихида тамоман янги саҳифалар вужудга келтирилгани билан аҳамиятланди.

Халқимиз, шу жумладан, Ўзбекистон аҳолининг бугунги ҳаёти ва эртанги истиқболи йўлида қилаётган меҳнати, фан ва маданият намояндаларининг изланишлари Соҳибқирон давридаги ўша оламшумул ишларнинг узлуқсиз давомидир. Инсоният янги асрга қадам қўётган бугунги кунда ҳам Амир Темур маънавияти ва ишжояти, адолатпарвар сивасати юксак ибрат намунаси бўлиб қолгусидир.

Бизнинг тарихимизда Амир Темурдай улғу сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду ўғитлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, биз бу меросни ўрганишимиз, тарғиб қилишимиз лозим. Ишонамизки, бу заминда барчамиз яқдил бўлиб, ҳалол меҳнатимиз, ақлу заковатимиз, Ватанга мухаббатимиз, тарих қаҳрига чукр илдиэ отган томирларимиз, маданиятимиз, қудратимизга асосланиб, буюк келажакимизга ишончимиз янада мустаҳкамланади.

Мавлюда ХОЛБЎТАЕВА,
Темурийлар тарихи Давлат музейи кичик илмий ходими

**НОДАВЛАТ ТАЪЛИМГА
ЭЪТИБОР**

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 мартдаги нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тартибининг тақомиллаштириш тўғрисидаги қарори ижросига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан ташкил этилган он-лайн анжуманга таълим тизимининг барча бўғинлари, ахборот-коммуникация технологиялари тизими вакиллари, журналистлар, худудлардаги таълим тизими мутаассадилари тақлиф этилди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи У.Тошкентбоев ва бошқалар таълим тизимидаги ислохотлар халқ билан мулоқот тамойили асосида амалга оширилаётгани барча жабҳалар ривожига самарадорликни таъминлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 15 сентябрдаги нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори таълимнинг юқори сифатини таъминлашга давлат ва нодавлат таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, нодавлат таълим хизматлари кўрсатишидаги юридик шахслар учун қулай шароитлар яратишга янги истиқболлар очди.

Маъзур ҳужжат истеъдодли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш орқали таълим-тарбия сифатини юксалтириш, анъанавий таълим хизматлари билан бир қаторда сифатли ва оммабоп таълим олишининг мукюбил имкониятларини яратадиган ўқув хизматлари кўрсатиш бозорини ривожлантириш, ўқитишнинг инновацион-педагогик шакллари, замонавий технологиялардан фойдаланиш асосида таълимда-

ги самарадорлик ва натижавийликни оширишдек мақсадларни кўзлаши билан аҳамиятландир.

Юртимизда нодавлат таълим хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар фаолиятини лицензиялашни соддалаштириш, мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шаклдан қатиъ назар, нодавлат таълим хизматлари кўрсатишни лицензия асосида амалга ошириш тартибининг жорий этиш, нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг самарали механизмларини йўлга қўйиш, нодавлат таълим хизмати кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларга қулай шароитлар яратиш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Маъзур йўналишда лицензия олишда Давлат хизматлари агентлиги ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ариза бериш тартиби жорий этилган.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан амалга оширилаётган ишлар, нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тартиби ва умумий қондалари, лицензия талаблари, бу борада зарур бўладиган ҳужжатлар, шунингдек, давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим муассасалари ташкил этиш механизмлари ҳақида атрофчиқа сўз юритилди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида олиб борилаётган чора-тадбирлар кенг ва атрофчиқа таҳлил этилиб, зарур тавсиялар берилди.

Н.УСМОНОВА

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, БМТнинг Гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси томонидан ота-оналар ва 10-14 ёшли ўсмирлар учун мўлжалланган "Мустаҳкам оила" дастури доирасида семинар ташкил этилди.

**ЎСМИРЛАР КАМОЛОТИ
ЙЎЛИДА**

Семинарда таъкидланганидек, мамлакатимизда ёшлар тарбиясини тўғри шакллантириш, уларнинг оила, жамият, Ватан олдидаги масъулиятини кучайтириш, турли иллатлардан ўз вақтида оғоҳ этиш ва асраш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Халқ таълими вазирлиги томонидан ҳамкор ташкилот билан биргаликда амалга оширилаётган "Мустаҳкам оила" дастури доирасида пойтахтимиз мактабларида ўсмирларни турли иллатлардан ўз вақтида боқиб туриш, уларнинг турли стрессларни муносив ёнгиш бўйича кўнмак-сини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Илк босқичи муваффақиятли ўтказилган маъзур лойиҳа қамровидаги мактабларни янада кенгайтириш кўзда тутилган.

Ўсмир ёшдаги болаларнинг психологик ҳолати, феъл-атвори, атрофдаги воқеликка, тенгдошлари

билан ўзаро муносабати гоит қалтис ва ўзига хос бўлади, - дейди Мирзо Улугбек туманидаги 7-оилавий психоклиника шифокори Дилмурод Тўрақулов. - Маъзур лойиҳа доирасидаги тадбирларда мактабда ота-оналар, ўсмир ёшдаги ўқувчилар билан биргаликда иш олиб бориб, тарғибот-тушунтириш ишлари, суҳбатлар давомида оиладаги соғлом муътадил муҳитни асраш, ёшлар ўртасида ўзаро муносабатларни мақбул тарзда йўлга қўйиш, ўсмирларни турли қонунбузарликлар, иллатлардан ўз вақтида муҳофазалашга жиҳдий эътибор қаратилади.

Семинар машғулотлари давомида маънавият тарғибчилари, мактаб психологлари, ёшлар иттифоқининг мактаблардаги етакчиларининг жойларда иш олиб бориши учун "Ота-она", "Ўсмирлар", "Оила" каби бўлимлар асосида машғулотлар ўтказилди. (ЎЗА)

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 11 апрель кунга ҳаво ўзариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиб, момақалдирок бўлиши мумкин. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 3-5, кундузи — 16-18 даража ишиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 11 апрелда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарари моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифосаланиш даражаси паст бўлади.



Мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати ва самарадорлигини ошириш борасида янгиланиш ва ривожланиш жараёнлари кечмоқда. Тиббиёт муассасаларида зарур шарт-шароитларни яратиш ҳамда тиббий хизмат сифатини ошириш эса бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Ушбу вазифаларни бажаришда Президентимиз Фармонига мувофиқ қабул қилинган ва босқичма-босқич амалга оширилаётган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга оид Давлат дастури муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айниқса, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатлами, шу жумладан, ногиронларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилиш бугунги куннинг асосий устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Юртимизда турмуш фаолияти ва имконияти чекланган фуқароларни ижтимоий муҳофаза этиш ва реабилитация қилиш, уларнинг эҳтиёжларини таъминлаш, жамият билан уйғуллашиши учун шароитлар яратиш ҳамда бу борада зарур чора-тадбирларни кўриш қонун билан қафолатланган.

Ногиронларнинг ижтимоий ҳимоясида уларни реабилитация қилиш алоҳида ўрин тутаяди. Бир сўз билан айтганда уларни реабилитация қилишдан асосий мақсад, ногиронларнинг тўлақонли ҳаёт кечириши, ҳуқуқлари ва потенциал имкониятларини рўйбга чиқариш, ўзига ўзи хизмат кўрсатишга ва касбий фаолиятининг ҳар хил турларига доир қобилиятларини тиклашдан иборатдир.

Юртимизда ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг яқка тартибдаги дас-

тури бўйича қоидалар белгилаб қўйилган.

Қандай ҳасталиклар билан оғриган беморлар ногиронлик гуруҳига мансуб деб топилади деган савол кўпчиликни

амбулатория картаси, ишлайдиганлар томонидан вақтинча меҳнатга лаёқатсиз варақаси ҳам тақдим этилади.

Протез-ортопедия буюмлари, кресло-аравачалар ногиронларга, пенсия ёши-

Тиббиёт САЛОМАТЛИК МЕЗОНЛАРИ ҲАР НАРСАДАН УСТУН

қизиқтириши мумкин. Бундайлар сирасига, Тиббий-меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК) томонидан айнан бир касаллик туфайли вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бошланган кундан бошлаб узлуксиз 4 ойдан ортиқ муддатни ташкил қиладиган ва узоқ муддат касал бўлган фуқаролар шахсни тасдиқловчи ҳужжати билан белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтказилади.

Шунингдек, даволаш профилактикаси муассасаси йўланмаси, даволоччи шифокор имзоси ва муҳри билан тасдиқланган касаллик тарихидан кўчирмалар,

даги муҳтож шахсларга реабилитация техник воситалари Тиббий-меҳнат эксперт комиссияси ёки Тиббий-маслаҳат комиссиясининг ҳулосаси асосида бериледи.

60 ёшдан ошган ногирон эркакларга ва 55 ёшдан ошган ногирон аёлларга, кейинги беш йил ва ундан ортиқ йил мобайнида ногиронликнинг биринчи ёки иккинчи гуруҳи белгиланган, 5 йил мобайнида ДПМ да тўлиқ диспансер кўригидан ўтган, реабилитация дастурлари бажарилган, лекин реабилитациянинг барча турлари ис-

тиқболсиз бўлган, тиклаб бўлмайдиган анатомик-функционал бузилишлар ва зўраковчи касалликларга дучор бўлганларга ногиронлик гуруҳи муддатсиз бериледи.

Жумладан охири етти йил мобайнида ногиронлик гуруҳи ўзгармаган ва кўрсатиб ўтилган давр мобайнида даволаш профилактика муассасаларида тўлақонли диспансеризациядан ўтган, реабилитация қилиш индивидуал дастурининг барча бандлари бажарилган ҳамда кейинги реабилитация тадбирларининг барча турларини ўтказиш самарасиз бўлган учинчи гуруҳ ногиронларига ҳам муддатсиз ногиронлик гуруҳи белгиланади.

Аслида ижтимоий ҳимоя масаласи фақатгина давлат ва уларга қарашли корхоналарнинг, ҳайрия ва нодавлат ташкилотларнинг иши бўлиб қолмаслиги керак. Ногиронларга кўмак бериб, уларнинг ҳаётига, яшаш тарзига, соғлиғига жавобгарлик ҳисси билан яшасак, ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак бериб қўллаб-қувватласак одамийлик меzonларига жавоб берган бўламиз.

Зеро бу оламда ногиронларнинг соғлиғини тиклаш, даволаш, муҳофаза-лаш, кўнгилни олиш, уларга бегараз ёрдам бериш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нафақат шифокорларнинг, балки ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиздир.

Нодира СОЛИХОВА, 103-сонли Сергели туманларо ТМЭК раиси

Мутахассис маслаҳати

ШИФОКОР КЎРСАТМАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИНГ

Қутуриш касаллиги инсониятга эрамиздан олдинги IV-V асрлардаёқ маълум бўлган. Бу ўта хавфли юқумли касаллик бўлиб, асаб тизимининг зарарланиши билан жуда оғир кечади ва ўз вақтида тиббий профилактик эмлаш ишлари ўтказилмаса, ўлим билан тугайди.

Қутуриш касаллигини вирус қақиради. Вирус табиатда иссиққонли ҳайвонлар танасида яшайди ва соғлом организмга сўлак орқали тишлаганда ёки жароҳат сўлақлардан юқади.

Қутуриш касали оққан ит ёки бошқа ҳайвонлар жуда хавфдор ва қоплагон бўлиб қолади. Натижада одамларни тишлаган жойида сўлаги орқали вирус одамга ўтиб қутуриш касалини юқтиради. Вирус одамнинг бош миёнага етиб келиб кўпая бошлайди. Баъзи вақтларда қутурган ҳайвонлар сўлаги кичкина тирналган терига тушса бас, касаллик оқвереди. Вирус одам танасига киргандан то касаллик аломатлари бошлангунча 2 ҳафтадан 1-3 ойгача, баъзида 1 йилгача давом этади.

Касалликнинг дастлабки кунларида беморлар ўқунинг бузилиши, кўркинчли тушлар кўришда шикоят қиладилар.

Уларни айниқса ташқи таъсиротлар (бирор нарсанинг тақиллаши, қаттиқ товуш, ёрулик, шовқин, сувнинг шилди-

раши) ваҳимага солади. Вирус одамнинг бош ва орқа миёнага кириб, миёнини оғир яллиғланишига олиб келади, юқорида айтиб ўтилганидек, ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилмаса, 100 фоиз ўлим билан тугайди.

Шунинг учун, ҳайвон тишлашдан жараҳатланганлар зудлик билан врачга мурожаат қилса қутуришга қарши ўз вақтида эмланса, беморни оғир асоратлардан сақлаб қолиш мумкин. Уй ҳайвонларини қутуриш касаллигидан муҳофаза қилиш учун "Хайвонларни сақлаш қоидалари"ни билиш ва унга риоя қилиш лозим. Итларни уйда боғлиқ ҳолда, кўчага чиққанда эса тумшугубоғ кийдириб, етаклаш учун махсус тизгин билан тутиш керак. Энг муҳими, уй ҳайвонларини қутуришга қарши ҳар йили ўз вақтида эмлатиш керак.

Одамларни бу касалликдан сақлашда эса, ҳайвонлардан тан жароҳати олганда ўз вақтида қутуришга қарши эмлаш муҳим ўрин тутаяди. Хай-

Бировга ноҳақ айб қўйиш катта гуноҳ. Айниқса, ваколатли давлат идораларида ишлаб туриб, бундай ноҳўй ишга қўл уришни қандай оқлаш мумкин?

Ҳукм ўқилди

ҚИНФИР ИШНИНГ МИСИ ЧИҚДИ

Миразиз Раҳимов ва Марат Далиев (исм-шарифлар ўзгартирилган) Учтепа тумани Ички ишлар бошқармасида Жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлимида ишларари.

Бу иккала шахс ўз хизмат вазифаларини ўтаб юрган чоғларида жиноятчи ош этиш кўрсаткичини сунъий равишда ошириш мақсадида мансаб ваколати доирасидан четга чиқиб, Учтепа тумани, 25-мавзеддаги хонадонлардан бирида яшовчи Г.Жўрақуловани гўёки фоҳишахона сақлаб келаятган фуқаро сифатида кўрсатиб, унга сохта айбловларни тикиштиришди.

М.Раҳимов 2017 йил 8 февраль куни соат тахминан 19:00 ларда фуқаролар А ва Л.ни фоҳишахона хизматидан фойдаланувчилар ролини ижро этиш учун жалб қилиб, И.Юсупов орқали ушбу йилги ва қизни таъиниш Г.Жўрақулованинг уйига киритади ҳамда гўёки жиноят устида қўлга олгандай қилиб кўрсатиб, қалбаки тушунтириш хатларини олиб, сохта ҳужжатлар тузади.

Г.Жўрақулова ўз тушунтириш хатида унга қўйилаётган айбни инкор этиб, фоҳишахона сақламаганини баён қиладди. Аммо Учтепа тумани ИИБ ТБ катта терговчиси М.Далиев кўрсатмасига асосан М.Раҳимов қайтадан тушунтириш хати олиб, ҳужжатларни яна қалбақлаштиради.

Ачинарлиси, М.Далиев Учтепа тумани ИИБ катта терговчиси лавозимида ишлаб келиб, ўз мансаб ваколати доирасидан четга чиқиб, ЖК ва УЖКБ тежор вакили М.Раҳимов томонидан Г.Жўрақуловага нисбатан сунъий равишда уюштирилган

текширув тадбири ҳужжатлари бўйича қонуний қарор қабул қилиш учун масъул эди. У ҳужжатларни синчковлик билан ўрганиб, ишдаги шахслар билан ҳолисо-на текширув ҳаракатларини ўтказмасдан ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомасини расмийлаштириб, баённомага фуқаролар Ш.Дадажонов ва Д.Сафоевлар тергов ҳаракатида ҳолис сифатида иштирок этганлигини ақс эттириб, уларнинг имзоларини қалбақлаштириб сохта ҳужжат тузган. Ва ишни судга юборган.

Жиноят ишлари бўйича Олмазор тумани суди ушбу ишни ҳар томонлама қўриб чиқиб, мансаб ваколатини суиистеъмол қилган М. Раҳимовни Жиноят кодексининг бир қатор моддалари билан айбни деб топиб, уч йил муддатга ички ишлар идораларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ-тузатиш ишлари жаосини тайинлади.

М.Далиевга нисбатан ҳам худди шундай уч йил ички ишлар идораларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этиб, 3 йил ахлоқ-тузатиш ишларида жалб этиш ҳукми чиқарилди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари олий қадрат ҳисобланиб, бировга ноҳақ тўхмат қилган одам у қайси лавозимда ишлашдан қўчи назар жавобгарликка тортилиши тайин эканлигини ҳеч биримиз унутмаслигимиз лозим.

Нусрат НИФМАТОВ, Учтепа тумани прокурорининг катта ёрдамчиси

Реклама ва эълонлар

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар ер тузиши ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Юнусобод туман филиали жойлашган Боғишамол кўчаси, 112-уй биносининг электр таъминоти ишчи лойиҳасини тайёрлаш ҳамда

Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 22/2-уй манзилида жойлашган бинони тасарруфга қабул қилиш учун қайта баҳолаш мақсадида

корхоналар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2А уй. Тел.: 241-77-29. Факс: 239-35-01. E-mail: kanc@kadastr.uz

Қўшимча маълумотларни душанба-жума кунлари соат 9:00 дан 18:00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ва телефон рақамлари орқали олиш мумкин. Тижорат таклифлари эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 10 кун ичида қабул қилинади.

"АУКЦИОН" ЎТКАЗУВЧИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар ер тузиши ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси тасарруфида бўлган 2 дон "НЕКСИЯ" ва 3 дон "ДАМАС" русумли автотранспорт воситаларига ким ошди савдолари "Аукцион"ни ташкиллаштириш корхоналар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2А уй. Тел.: 241-77-29. Факс: 239-35-01. E-mail: kanc@kadastr.uz

Қўшимча маълумотларни душанба-жума кунлари соат 9:00 дан 18:00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ва телефон рақамлари орқали олиш мумкин. Тижорат таклифлари эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 10 кун ичида қабул қилинади.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар ер тузиши ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси 2 дон TP-link-SF 1024D коммутатордан, уч ўрам (915м) компьютер сетининг симидан, 1 дон Coler Master V1000 русумли электр токи ўтказиш манбаидан, 10 дон 5 метрли электр токи узайтиргич (удлинител)дан ҳамда 30 дон 4ГБли флешкадан ҳарид этиш мақсадида корхоналар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 2А уй. Тел.: 241-77-29. Факс: 239-35-01. E-mail: kanc@kadastr.uz

Қўшимча маълумотларни душанба-жума кунлари соат 9:00 дан 18:00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ва телефон рақамлари орқали олиш мумкин. Тижорат таклифлари эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 10 кун ичида қабул қилинади.

"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Очиқ аукцион савдосига акциядорлик тижорат Халқ банки Сергели филиалининг 05.04.2018 йилдаги № 63-сонли буюрт-маномасига асосан акциядорлик тижорат Халқ банки тасарруфидаги қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сергели 7-мавзеси, 30-уй манзилида жойлашган умумий майдони 40 кв.м.дан иборат бўлган 523-шоҳобча. Бошланғич нархи 161 280 000 сўм. 2. Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Спутник 17-мавзеси, 9-уй манзилида жойлашган умумий майдони 109 кв.м.дан иборат бўлган 380-шоҳобча. Бошланғич нархи 366 240 000 сўм.

Аукцион савдолари 2018 йил 11 май кун соат 15.00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2018 йил 11 май кун соат 15.00да тақдирди, тақрорий савдолар 2018 йил 21,31 май ҳамда 11 июнь кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли Халқ банки филиали вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузилганда за-калат келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15% дан кам бўлмаган миқдориде закатлат пулини "CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖнинг АТ "Халқбанк" Юнусобод филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: Ҳ/р: 20208000900757166001. МФО 00823. СТИР 304 802 952.

Талабдорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси санасига бир иш кун олдин тўхтатилади. Савдо қолиғиба аукцион савдоси натижалари бўйича қолиғиб баённомаси имзоланган санадан бошлаб 5 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзолаш мажбурияти юқлатилади. Кўчмас мулклар учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномасида сотувчи томонидан белгиланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўча-си, 34-уй. Тел.: +998-71-236-25-53. Лицензия RA - 0298

Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти жамоаси "Кўприқлар, тоннеллар ва йўлўтказгичлари" кафедраси катта ўқитувчиси Нодира Зияева Саатовага ўғли Асилбек МАМАДИЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Лойиҳалаш ташкилотлари диққати! "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Тошкент шаҳар минтақавий филиали биносидеги эски пассажир лифтларини янгисига алмаштириш ишлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқувчи махсус лицензияга эга ташкилотлар ўртасида

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани ТСРУИ томонидан 06.01.2015 йилда №007916-05 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "IMKON XOLIS SERVIS" ХК (ИНН 303135034) таъсисчининг 9.04.2018 йилдаги №1 қарорига асосан

Тошкент Давлат аграр университети томонидан 2003 йилда Аллақулов Акбаржон Чориевич номига берилган В № 137905 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 5-уй. Телефонлар: 326-20-31, (371) 140-66-14. Нархлари фоизда кўрсатилган тижорат таклифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда, эълон чиққан санадан бошлаб 7 кун муддат ичида қабул қилинади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Олмазор тумани, Қорақамиш 2/1 мавзеси, бозор ҳудудида қабул қилинади. Тел.: +99891 132-51-51.

"O'zbekenergota'mir" АЖ жамоаси Умумий масалалар бўйича раҳбар Ходжақабар Закирович Набиходжаевга волида муҳтарамани РАХИМА ҲОЖИ ОНАНИНГ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.